

**«Хива универсал савдо комплекси» акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши**

БАЁНИ

Хива шаҳар

«26» июнь 2021 йил

Хива шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳ.Бабаев жамият акциядорларининг умумий йиғилишида катнашаётган акциядорларни рўйхатга олиш ва қворумини аниқлаш учун санок комиссияси аъзолигига қуйидаги номзодларни киритди:

Санок комиссиясига сайландилар:

- | | |
|--------------------------|----------------------------|
| 1. Абдуллаев Сапарбой | - санок комиссияси раиси. |
| 2. Махмудов Улугбек | - санок комиссияси аъзоси. |
| 2. Абдалниязова Муҳаббат | - санок комиссияси аъзоси. |

Санок комиссиясининг раиси С.Абдуллаев умумий йиғилишда катнашаётган акциядорларни сони ва йиғилиш қворумини аниқлаш бўйича тузилган баённомани ўқиб эшиттирди.

Санок комиссиясининг № 1 баённомасига асосан:

Қатнашдилар:

1. Хива шаҳар ҳокимининг ишончли вакили:	6438688 овоз	70,2 %
2. Акциядорлар	65114 овоз	0,7 %
Жами:	6503802 овоз	70,9 %

Йиғилишни ўтказиш бўйича йиғилиш раёсатига қуйидаги номзодлар киритилди:

1. Хива шаҳар ҳокимининг ўринбосари;
2. «Хива универсал савдо комплекси» АЖ бошқарув раиси в.в.б:

Ҳ.Бабаев
Д.Давлетов

Йиғилиш раиси:	Ҳ.Бабаев
Йиғилиш котибаси:	М.Абдалниязова

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият 2019 йилги молия – хўжалиқ фаолияти якуни бўйича жамият ижроия органи ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2021 йил учун бизнес режасини тасдиқлаш.
3. Жамият ижро органи раҳбарини ишга ёллаш шартномасини тасдиқлаш ёки бекор қилиш.
4. Кузатув кенгаши ҳисоботи ва унинг таркибини қайта сайлаш.
5. Тафтиш комиссияси ҳисоботи ва унинг таркибини қайта сайлаш.
6. 2020 йил якуни бўйича аудитор текшируви хулосасини тасдиқлаш.
7. 2021 йил учун жамият аудиторини тасдиқлаш.
8. 2020 йил якуни бўйича соф фойда ва уни тақсимлаш тартибини тасдиқлаш.

ЭШИТИЛДИ:

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан жамият йиғилиш раиси Ҳ.Бабаев сўзга чиқиб, жамиятда 2020 йилда қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот бериб, ютуқлар каторида камчиликларга ҳам тўхталиб ўтди. (Ҳисобот илова қилинади).

Йиғилиш раиси акциядорлардан тарқатилган бюллетенларга бу масала бўйича ўз муносабатларини билдириб боришни сўради.

Йиғилиш иштирокчилари ҳисоботни бир овоздан маъқуллади. Ижро органи ҳисоботи қисман қониқарли деб топилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 6503802 та овоз (100 %), Қарши –йўқ, Бетараф—йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан жамият бошқарув раиси в.в.б Д.Давлетов, 2021 йил учун тузилган бизнес режани ўқиб эшиттирди (*бизнес режа илова қилинади*) ва йиғилиш катнашчилари бир овоздан 2021 йил учун тузилган бизнес режани маъқуллади.

Йиғилиш раиси акциядорлардан тарқатилган бюллетенларга бу масала бўйича ўз муносабатларини билдириб боришни сўради.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 6503802 та овоз (100 %), Қарши –йўқ, Бетараф—йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Ҳ.Бабаев куйидагиларга тўхталиб ўтди. Жамиятнинг 2020 йилни шундай самарали ва юқори иқтисодий кўрсаткичлар билан яқунланишида жамиятнинг ишчи ходимлари ва ижроия органи раҳбарининг хизматлари катталиги тўғрисида тўхталди.

Жамият бошқарув раиси в.в.б Д.Давлетовнинг меҳнат шартномасини яна бир йил муддатга узайтиришни таклиф қилди.

Йиғилиш раиси акциядорлардан тарқатилган бюллетенларга бу масала бўйича ўз муносабатларини билдириб боришни сўради.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 6503802 та овоз (100 %), Қарши –йўқ, Бетараф—йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича ҳам ўз сўзини давом эттирган йиғилиш раиси Ҳ.Бабаев, жамият фаолиятида кузатув кенгаши томонидан бажарилган ишлар бўйича ҳисоботни ўқиб эшиттирди (*Ҳисобот илова қилинади*).

Шунингдек, кузатув кенгаши аъзолари 5 кишидан иборат бўлиши ҳақида таклиф берди ва кузатув кенгашига номзодлар рўйхатини ўқиб эшиттирди.

№	Кузатув кенгаши таркибига киритиладиган номзодлар
1	Бабаев Ҳамид Атабаевич–Хива шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари
2	Абдуллаев Жамшид Исакович - Хива шаҳар ҳокимининг мутахассиси
3	Жуманиязов Сардор Шоназарович - Янгиариқ ПТАЖ бош ҳисобчиси в.в.б
4	Тангриева Зумрад Атобаевна - Акциядор
5	Рахимов Бардибой Машарипович - Акциядор
6	Досов Машарип - Акциядор
7	Саматов Музаффар Ўткирович - Акциядор

Акциядорлардан кўлларига тарқатилган бюллетенларга кумулятив овоз бериш йўли билан мазкур номзодларга овоз беришларини сўраб масалани муҳокамага қўйди. Бу таклиф бир овоздан маъқулланди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 6503802 та овоз (100 %), Қарши –йўқ, Бетараф—йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича, тафтиш комиссияси раиси С.Бекчанов сўзга чиқиб, жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботини ўқиб эшиттирди (*ҳисобот илова қилинади*) ва йиғилиш иштирокчиларига ҳисоботни тасдиқлашни таклиф қилди.

Бундан ташқари, тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар таркибини ўқиб эшиттирди ва уларни сайлашни йиғилиш иштирокчиларига таклиф қилди.

Тафтиш комиссиясига номзодлар куйидагилар:

№	Тафтиш таркибига киритиладиган номзодлар
1	Бекчанов Сапарбой Куранбаевич - "Хоразм Бозорлари ва савдо комплекслари" вилоят уюшмаси бош мутахассиси
2	Саттаров Бахтияр Бердиевич - Акциядор
3	Джаббарова Максуда Назаровна - Акциядор
4	Рахимов Рахимберди - Акциядор
5	Палванов Палванназир Бахтиярович - Акциядор

Юқорида қайд қилинган таклифларни йиғилиш қатнашчилари бир овоздан маъқуллашдилар ва йиғилиш раиси акциядорлардан тарқатилган бюллетенларга ушбу масалалар бўйича ўз муносабатларини билдириб боришни сўради.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 6503802 та овоз (100 %), Қарши - йўқ, Бетараф - йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масаласи юзасидан жамият раиси Д.Давлетов, 2020 йил учун жамиятни аудиторлик текширувидан ўтказиш учун «Audit Union» МСНУ аудиторлик ташкилоти текшируви хулосасини ўқиб эшиттирди.

Ушбу хулоса овозга қўйилиб бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш раиси акциядорлардан тарқатилган бюллетенларга бу масала бўйича ўз муносабатларини билдириб боришни сўради (хулоса илова қилинади).

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 6503802 та овоз (100 %), Қарши - йўқ, Бетараф - йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан жамият раиси Д.Давлетов, 2021 йил учун жамиятни аудиторлик текширувидан ўтказиш учун «Audit Union» МСНУ аудиторлик ташкилоти аудиторлик ташкилотини белгилашни таклиф қилди.

Бу таклифни йиғилиш қатнашчилари бир овоздан маъқулладилар.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 6503802 та овоз (100 %), Қарши - йўқ, Бетараф - йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан жамият бошқарув раиси в.в.б Д.Давлетов, бозор ташкил қилинган кундан ҳозирги кунгача 399 208 243 сўмлик зарар мавжуд бўлиб, 2020 йил якуни бўйича 3 698 355 сўм фойдамиз зарарни қоплаш учун йўналтирилганлиги сабабли акциядорларга дивидент ҳисобланмади. 2021 йил ижара шартномасига асосан тушумни ошириб дивидент беришга ҳаракат қиламиз деб гапириб ўтди.

Юқорида қайд қилинган таклифларни йиғилиш қатнашчилари бир овоздан маъқуллашдилар ва йиғилиш раиси акциядорлардан тарқатилган бюллетенларга ушбу масалалар бўйича ўз муносабатларини билдириб боришни сўради.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор - 6503802 та овоз (100 %), Қарши - йўқ, Бетараф - йўқ.

Йиғилиш қатнашчилари, кун тартибидаги барча масалаларни атрофлича муҳокама қилиб

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Жамиятнинг 2020 йилги молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича жамият ижроия органи ҳисоботи тасдиқлансин.
2. Жамиятнинг 2021 йил учун бизнес-режаси тасдиқлансин.
3. Жамият ижро органи раҳбар вазифасини вақтинча бажарувчи Давлетов Дилшод билан тузилган меҳнат шартномаси белгиланган тартибда бир йил муддатга узайтирилсин.
4. Жамият кузатув кенгаши ҳисоботи тасдиқлансин ва кузатув кенгаши таркиби қуйидагича тасдиқлансин:

№	Кузатув кенгаши таркибига киритиладиган номзодлар
1	Бабаев Ҳамид Атабаевич
2	Абдуллаев Жамшид Исакович
3	Жуманиязов Сардор Шоназарович
4	Тангриева Зумрад Атобаевна
5	Досов Машарип

5. Жамият тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқлансин ва тафтиш комиссияси таркиби куйидагича тасдиқлансин:

1	Бекчанов Сапарбой Куранбаевич
2	Рахимов Рахимберди
3	Джаббарова Махсуда Назаровна

6. 2020 йил якунлари бўйича МСНЖ«Audit Union» аудиторлик ташкилоти текшируви хулосаси тасдиқлансин.

7. 2021 йил учун жамиятни аудиторлик текширувидан ўтказиш учун МСНЖ«Audit Union» аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин.

8. Жамиятимиз ҳозирги кунгача 399 208 243 сўмлик зарар мавжуд бўлиб, 2020 йил якуни бўйича 3 698 355 сўм фойда зарарни қоплаш учун йўналтирилганлиги сабабли 2021 йил ижара шартномасига асосан тушумни ошириб, акциядорларга дивидент беришга ҳаракат қилинсин.

Ушбу қарорни бажарилиши «Хива универсал савдо комплекси» АЖ бошқарув раиси зиммасига юклатилсин ва ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш «Хива универсал савдо комплекси» АЖ кузатув кенгаши раиси зиммасига юклатилсин.

Баённома расмийлаштирилган сана: 6.07.2021 йил.

Ингилиш раиси:

Ҳ.Бабаев

Котиба:

М.Абдалнизова



